



**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АХБОРОТ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ  
ВА КОММУНИКАЦИЯЛАРИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ВАЗИРЛИГИ  
ВА БУХОРО ВИЛОЯТИ ҲОКИМИНИНГ  
ҚЎШМА ҚАРОРИ**

**Бухоро вилоятида рақамли иқтисодиёт ҳамда электрон ҳукумат тизими  
жорий этилишини янада жадаллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида**

Бухоро вилоятининг иқтисодиёт тармоқлари ва соҳаларини рақамлаштириш, маҳаллий давлат бошқарув органлари фаолиятига замонавий ахборот-коммуникация технологиялари жорий этилишини янада жадаллаштириш, 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясида белгиланган вазифалар, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёев раислигида жорий йилнинг 22 сентябрь куни тармоқлар ва ҳудудларда рақамли иқтисодиёт ҳамда электрон ҳукуматни жорий қилиш масалалари бўйича ўтказилган видеоселектор йиғилишида берилган топшириқлар ижросини таъминлаш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги ҳамда Бухоро вилояти ҳокимлиги

**ҚАРОР ҚИЛАДИ:**

1. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёев раислигида жорий йилнинг 22 сентябрь куни тармоқлар ва ҳудудларда рақамли иқтисодиёт ҳамда электрон ҳукуматни жорий қилиш масалалари бўйича ўтказилган видеоселектор йиғилишида “Рақамли Ўзбекистон - 2030” стратегияси лойиҳаси доирасида Бухоро вилоятини рақамли трансформация қилиш бўйича лойиҳаларни амалга ошириш бўйича намунавий ҳудудлар этиб 2020 йилда Қоракўл тумани ва 2021 йил I чорагида Ғиждувон тумани (кейинги ўринларда – намунавий туманлар) белгиланганлиги маълумот учун қабул қилинсин.

2. Бухоро вилоятининг шаҳар ва туманларини рақамли трансформация қилиш, ҳудуддаги давлат ва хўжалик бошқаруви органлари бўлинмалари, иқтисодиётнинг реал сектори корхоналари фаолиятига илғор технологияларни кенг жорий этиш, рақамли иқтисодиёт соҳасидаги лойиҳаларнинг ҳамкорликда амалга оширилишини мувофиқлаштириш бўйича Худудий кенгаш (кейинги ўринларда – Кенгаш) таркиби **иловага** мувофиқ тасдиқлансин.

### 3. Кенгашнинг асосий вазифалари этиб қуйидагилар белгилансин:

“Рақамли Ўзбекистон – 2030” стратегияси доирасида Бухоро вилоятини рақамли трансформация қилиш бўйича лойиҳаларни амалга оширишни мувофиқлаштириш;

вилоятда рақамли инфратузилмани ривожлантириш ва модернизация қилиш, давлат идоралари, ижтимоий соҳа объектлари ва аҳоли пунктларини юқори тезликдаги Интернет хизматлари билан таъминлаш ишларини тезлаштириш;

вилоятнинг олис ва чекка ҳудудларида мобил алоқа ва интернет хизматлари кўрсатиш сифатини яхшилаш чора-тадбирларини белгилаш ва амалга оширилиши назоратини ташкил этиш;

туман ва шаҳарларнинг ихтисослашувидан келиб чиққан ҳолда рақамлаштириш бўйича устувор лойиҳа ва йўналишларни белгилаш;

рақамли иқтисодиёт ва электрон ҳукумат тизими доирасида республика даражасида жорий этиладиган ахборот тизимларини босқичма-босқич вилоят, туман ва шаҳарлар даражасида жорий этилишини жадаллаштириш;

ахборот-коммуникация технологиялари соҳасида малакали кадрларга бўлган эҳтиёжни ўрганиш, ушбу йўналишда кадрлар тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш ишларини самарали ташкил этиш;

аҳоли ва ёшлар ўртасида компьютер технологиялари ва интернетдан самарали фойдаланишни ташкил этиш тадбирларини амалга ошириш, барча туман ва шаҳарларда Рақамли технологиялар ўқув марказлари ҳамда Информатика ва ахборот технологияларини чуқурлаштириб ўқитишга ихтисослаштирилган мактабларни босқичма-босқич ташкил этиш;

ҳудуддаги маҳаллий IT-компаниялар ва дастурий маҳсулотлар ишлаб чиқарувчиларнинг маълумотлар базасини шакллантириш, шунингдек, уларга ўз маҳсулотларини ички ва ташқи бозорларга киритиб боришида кўмаклашиш;

электрон давлат хизматларини кўрсатишни сифат жиҳатдан яхшилаш, янада такомиллаштириш ҳамда бу борада давлат хизматларини кўрсатувчи субъектлар фаолиятини танқидий таҳлил қилиш ва баҳолаш.

4. Кенгаш **ҳар чорак** якуни бўйича ҳудудда рақамлаштириш бўйича лойиҳалар амалга оширилишини масъул ижрочилар иштирокида, шунингдек, масофавий шаклда муҳокама қилиб, амалга оширилган ишлар юзасидан ҳисобот ойдан кейинги ойнинг 5 санасига қадар Вазирлар Маҳкамасига таҳлилий маълумот киритиб борсин.

5. Бухоро вилояти туман (шаҳар) ҳокимлари **бир ҳафта муддатда** ҳокимлик раҳбар ходимлари ва мутахассисларини Бухоро давлат университети (Ахборот технологиялари кафедраси) ва Бухоро муҳандислик-технология институти (Касб таълими: Информатика ва ахборот технологиялари кафедраси) Бухоро шаҳридаги Рақамли технологиялар ўқув маркази (IT-марказ) ва Муҳаммад ал-Хоразмий номидаги Тошкент ахборот технологиялари университети ва унинг филиалларида (масофавий таълим шаклида) рақамли технологиялар бўйича билим ва малакаларини ошириш

жадвалини молиялаштириш механизмларини инобатга олган ҳолда ишлаб чиқиб, тасдиқласин ҳамда ижроси таъминланишини назоратга олсин.

6. Белгилансинки:

туманлар ва шаҳарлар ҳокимлари **хар ойда** камида икки кун ўзлари раҳбарлик қилаётган ҳудудда рақамли иқтисодиёт ва электрон ҳукумат тизимини жорий қилиш бўйича белгиланган вазифалар ижросини муҳокама қилган ҳолда таҳлилни олиб боради;

Кенгаш ўз фаолиятини амалга ошириш жараёнида ҳудуддаги давлат ва хўжалик бошқарув органлари бўлинмаларидан тегишли маълумот ва ахборотларни олади ҳамда малакали мутахассисларини жалб этади;

Кенгаш ҳудудда иқтисодиёт тармоқлари ва соҳаларини рақамлаштириш доирасида амалга ошириладиган лойиҳаларни бажарилишида сусткаштликка йўл қўйган вазирлик ва идораларнинг ҳудудий бошқармалари (бўлинмалари) раҳбарлари фаолияти юзасидан тегишли чоралар, шу жумладан эгаллаб турган лавозимидан озод қилишгача масалаларни кўриш бўйича тегишли вазирлик ва идораларнинг биринчи раҳбарларига тақдимнома киритади.

7. Мазкур қўшма қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирининг рақамли иқтисодиёт ва электрон ҳукумат масалалари бўйича биринчи ўринбосари О. Пекось ва Бухоро вилояти ҳокимининг молия-иқтисодиёт ва камбағалликни қисқартириш масалалари бўйича биринчи ўринбосари зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикаси  
Ахборот технологиялари  
ва коммуникацияларини  
ривожлантириш вазири



Ш. Садиков

2020 йил 30 сентябрь

43/13-сон

Бухоро вилояти ҳокими  
вазифасини вақтинча  
бажарувчи



Ф. Умаров

2020 йил "30" сентябрь

386 -сон

**Бухоро вилоятининг шаҳар ва туманларини  
рақамли трансформация қилиш бўйича  
ХУДУДИЙ КЕНГАШ ТАРКИБИ**

- |   |  |
|---|--|
| 1. <b>УМАРОВ</b><br>Фарход Бақоевич             | - Бухоро вилояти ҳокими в.в.б., <i>Кенгаш раиси</i>  |
| 2. <b>МАХСУДОВ</b><br>Жамол Тиллоевич           | - Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирининг телекоммуникация инфратузилмаси масалалари бўйича ўринбосари, <i>Кенгаш раиси ўринбосари</i> |
| 3. <b>УМАРОВ</b><br>Фарход Бақоевич             | - Бухоро вилояти ҳокимининг иқтисодиёт ва тадбиркорлик масалалари бўйича биринчи ўринбосари  |
| 4. <b>ЭРГАШЕВ</b><br>Сарвар Асатович            | - Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлигининг Инвестициялар ва молиявий назорат бошқармаси бошлиғи в.б.                                 |
| 5. <b>САБИРОВ</b><br>Мурадjon Махмудович        | - Радиоалоқа, радиоэшиттириш ва телевидение Маркази ДУК бош директори  |
| 6. <b>ХАСАНОВ</b><br>Назиржон Набижонович       | “Ўзбектелеком” АК бош директори  |
| 7. <b>СУЛТОНОВ</b><br>Музаффар Мирахимович      | - Ягона интегратор “UZINFOCOM” МЧЖ лойиҳа директори  |
| 8. <b>МАХМУДОВ</b><br>Иззатилло Нематиллоевич   | - Бухоро вилояти ҳокимлиги ташкилий назорат гуруҳи раҳбари   |
| 9. <b>РАЖАБОВ</b><br>Бешим Мадиевич             | - “Ўзкомназорат” Бухоро вилояти ҳудудий инспекцияси бошлиғи ( <i>келтирув асосида</i> )  |
| 10. <b>АДИЛОВ</b><br>Бахтиёр Алишерович         | - Бухоро вилояти Молия бошқармаси бошлиғи  |
| 11. <b>МУСТАФАЕВА</b><br>Дилфуза Неъматуллаевна | - Бухоро вилояти Халқ таълими бошқармаси бошлиғи   |
| 12. <b>НАРЗИЕВ</b><br>Илхом Исламович           | - Бухоро вилояти Соғлиқни сақлаш бошқармаси бошлиғи  |
| 13. <b>ЛАТИПОВ</b><br>Фарход Қурбонович         | - Бухоро вилояти Мактабгача таълим муассасалари бошқармаси бошлиғи   |
| 14. <b>ТУРДИЕВ</b><br>Халил Жаҳонкулович        | - “Ўзбектелеком” АК Бухоро филиали директори   |
| 15. <b>НОРОВ</b><br>Рустам Ходиевич             | - Бухоро вилояти Қишлоқ хўжалиги бошқармаси бошлиғи  |
| 16. <b>ФАЙЗИЛЛАЕВ</b><br>Эркин Бахшиллоевич     | - Аму-Бухоро ирригация тизимлари ҳавза бошқармаси бошлиғи  |
| 17. <b>АБДИЕВ</b><br>Ўктам Сулаймонович         | - Бухоро вилояти газ таъминоти корхонаси бошлиғи   |
| 18. <i>Лавозим бўйича</i>                       | - Туманлар ва шаҳарлар ҳокимлари   |
| 19. <b>АЛЛАЕВ</b><br>Фахриддин Жамолович        | - Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлигининг Бухоро вилояти ҳудудий бошқармаси бошлиғи, <i>Кенгаш котиби</i>                           |

*Изоҳ: Кенгаш аъзолари бошқа ишга ўтган тақдирда, унинг таркибига ушбу лавозимга янги тайинланган ёки зиммасига тегишли функцияларни бажариш юкланган шахслар киритилади.*